8.30 «Победоносный голос верующего» 9.30 М/с «Ураганчики». 9.30 Х/ф «Генерал». 11.30 Х/ф «Летят журавли». Выстрелы в Далласе» 13.25 Гомеопатическая аптека Доктор Н. 15.30, 20.30 «Борьба за выживание» 16.55 «Короткое замыкание» 18.50 «Спокойной ночи, малыши!» 21.20 Серил «Идиот». 22.40 Детектив «Алмазы шахза» 22.00 «Дорожный патруль» 1.20 «Агентство одиноких сердец» 1.45 Серил «Ангели чили» 2.15 «Навеки Джулия». Телесериал.

НТВ

6.00 Утро на НТВ 8.50, 20.50 Фильм «Серебряная свадьба» 10.00 «Сегодня утром» 11.35 «Кулиарный поездчик» 11.15 «Страна советов» 12.00, 15.00, 17.00, 19.00, 22.00 «Сегодня» 12.35 Фильм «ВСЕ НА ОБОРОТ» Д/ф. 14.10 Премьера. «Время» 14.10 «Время» 14.35, 18.35 «Протокол» 15.55 «Принцип доминирования» Д/ф. 17.30 Серил «Она написала убийство» 19.40, 0.05 Детектив. «На вырост» 22.30 «К барьеру». 23.35 Премьера. «Тайны разведки» 1.20 «Страна и мир».

ТНТ

5.55 «Привет мартышке». М/ф. 6.05, 19.30, 0.15 Москва: инструкция по применению» Д/ф. 6.40 «Новый дед Мороз». М/с. 7.05 «Глобальные новости» 7.10 «Эй, Арнольд!». 7.40 «Как говорит Джинджер» 8.05 «Ох уж эти детки». 8.30, 13.30 ТБ-клуб. 8.50, 0.25 Наши песни. 9.00 «Завтрак с Дискавери» 9.05 «Не изгнавший дьявола». Комедия. 12.40 «Иди семейка Торнерби». 13.05 «Котопес». 14.00 «Любовь и тайны Сансет Бич». Телесериал. 15.00 «Шоу Бени Хилла». 19.30 «Ошикона». 17.00, 20.00, 23.00 «Она». 18.00 «Саша + Маша». Комедия. 22.00 «ТНТ-комедия». «Двушера». 22.15 «Земля минус ноль». Комедия.

СТС

8.00 «Морк и Минди». Х/ф. 8.30 Мультифильм. 9.00 «Приключения Вуди и его друзей». М/ф. 9.30, 19.00 Комедия. «Друзья». 10.00, 22.00 «Бедная Настя». Х/ф. 11.00 Детали утом. 11.30 Кино «Последний дракон». 12.10 Комедия. «Несчастные вместе». 14.00 «Зена - королева воинов». Х/ф. 15.00, 21.30, 3.10 Исто-

Шарқ дурдоналари



ИБРАТЛИ ХИКОЯТЛАР

Бир куни Анушервон ўзи танҳо ўтирган эди. Кўп ўтмай унинг олдига Юнон, Мубад, Фарухзод, Бузуржмехр ва бошқалар кириб келишди. Анушервон уларга қараб деди:

— Бу катта анжуман бўлди. Келинлар, ҳар биримиз биттадан хикматли гап айттайлик. Токи бошқалар ундан ибрат олсин!

Сўнг Мубадга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Мубад деди:

— Икки нарса борки, улар бир-биридан яхшидир. Масалан, хунар доно билимдан, яхши иш яхши сўздан афзал.

Анушервон:

— Кенгроқ тушунтир! — деди.

Мубад давом этди:

— Хар кимнинг хунари бўлмаса, у куруқ девор билан тенг. Хар кимнинг сўзи чиройли бўлсаю, иши ёмон бўлса, фойдасиз шамол кабудир.

Анушервон Хуршидга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Хуршид:

— Жаҳонда икки нарса бор. Ундан ҳеч нарса яхши эмас. Биринчиси, хурсандлик ва иккинчиси беозорлик! — деди.

— Кенгроқ тушунтир! — деди.

Хуршид:

— Хар ким бориша қаноат қилиб, хурсанд бўлса, ҳеч кимга эҳтиёжи тушмайди. Кимки ҳеч кимсага озор бермаса, ҳеч кимни хафа қилмаса, унга ҳеч кимдан хавф етмайди! — деди.

Анушервон Бузуржмехрга қараб:

— Сен нима дейсан? — деб сўради.

Бузуржмехр:

— Эй Анушервон, одамлар қўйидаги нарсаларга амал қилмасалар, ҳеч қачон хурсандчиликка етмайдилар. Масалан, бориша қаноат қилмаса, етиша олмайдиган нарсага интилса, ўзга киши қўлида бўлган нарсага очкўзлик билан қараса! — деб жавоб берди.

Анушервон ундан яна ҳам кенгроқ қилиб сўзлашни сўради. У деди:

— Хурсанд шундай кишики, нима топса, қаноат қилади, топганига шукр қилиб, умрини ҳамчунга ўтказди. Очкўз киши ҳеч қачон рост йўлдан юрмайди, ҳаммаша кўнгли бемор бўлади. Хар ким ўзини яхшилик йўлига олса, ҳамма ёмонликдан омон бўлади, жаҳонда тинч ва осуда яшайди.

Анушервон Юнонга қараб:

— Сен нима дейсан? — деди.

Юнон шундай деб жавоб берди:

— Етти нарса борки, хар ким бу етти нарсага амал қилса, дунёда яхши отлик бўлади. Биринчиси — дунёда донолар маслаҳати билан иш қилса. Иккинчиси — ўз жойида бўлса, учинчиси — адолатли бўлса, тўртинчиси — сабрли бўлса, бешинчиси — биркесар бўлмаслик, олтинчиси — фойдадан ўзгаларни баҳрадор қилса, еттинчиси — камтарлик қилса.

Анушервон ундан бу сўзларни кенгроқ тушунтиришни сўради. Юнон деди:

— Маслаҳат марваридга ўшайди. Одамлар тош бўлса, улар орасидан бирорта нодир сўз — марварид чиқши мумкин. Ишни ўз жойида, муносиб ҳолда қилмасанг, зиёни етати. Адолатли иш қилсанса, бу ишга ҳеч ким қарши чиқмайди. Сабр ва чидам барча мушкул ишларни энгшининг калитидир. Биркесарлик, қайсарлик энг ёмон хислат. Камтарлик барчанинг хавасини ва хурматини қўзғатадиган ёқимли одатдир!

Анушервон бу хикматларнинг ҳаммасини ёзиб қолдиришга фармон берди.

Ҳиндистонда нашр этиладиган «Frontline» миллий журналининг 2004 йил февраль сонидида қатор рангли суратлар билан безалган «Марказий Осиё ганжиниси» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Мазкур мақола ҳинд журналисти Судха Маҳалингамнинг Бухоро ва Самарқанд шаҳарлари бўйлаб сафар таассуротлари маҳсулидир.

Бухоро ва Самарқанд васфи ҳинд матбуотида

Муаллиф мақоланинг Бухорога бағишланган қисмида мазкур шариф шаҳар тарихига оид кўпгина маълумотларни ўқувчилар эътиборига ҳавола этар экан, 13 асрда машҳур италиялик сайёҳ Марко Поло ўз хотираларида Бухорони гўзалликда тенги йўқ улуг шаҳар, дея таърифлаганини қайд этади.

С. Маҳалингам Буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган Бухоронинг Минораи Калон, Мир Араб мадраса-

си, Сомониёлар мақбараси, Лаби ҳовуз сингари бебаҳо ёдгорликларнинг тарихи ва меъморий салобати хусусида ҳайрат ва ҳаяжон билан сўз юртади.

Муаллиф ўзининг кўҳна Самарқандга саёҳати унутилмас таассурот қолдирганини алоҳида эътироф этади. Самарқандни таърифлар экан, муаллиф 1404 йили машҳур испан элчиси Гонсалес де Клавихонинг соҳибқирон Амир Темур салтанати пой-

тахтига ташрифи тафсилотларига тўхталади, Клавихоннинг Самарқанд ва бобокалон Амир Темур хусусидаги тарихий хотираларига бир неча бор мурожаат этади. Шаҳардаги Гури Амир мақбараси, Улугбек расадхонаси, Шоҳи Зинда, Регистон майдонидаги гўзалликда бетакрор Улугбек, Шердор ва Тилла Қори мадрасаларини уларнинг яратилиши тарихига оид маълумотлар асосида таърифлади. Санъат ва хунармандчилик аҳднинг мўъжизакор яратувчиликларига алоҳида эътибор қаратади.

Айтиш жоизки, «Frontline» миллий журнали мамлакатда катта тиражда чоп этиладиган «The Hindu» газетасининг илова наشري бўлиб, Ҳиндистоннинг нуфузли ижтимоий-сиёсий журналлардан биридир.

Шухрат УМИРОВ
«Жаҳон» АА
Деҳли

ЕР ОСТИ ЙЎЛИМИ ЁКИ...

Метронинг Собир Раҳимов бекати шаҳримизнинг энг гавжум жойларидан бири. Чунки худди шу жойдан республикамизнинг кўпгина вилоятлари ва йирик туман шаҳарларига йўловчи автобуслар қатнаб туради. Улар шу қадар кўпки, кети узилмай келиб-кетеди. Йўловчиларнинг эса саноғи йўқ. Бунинг устига ушбу бекат «Отчопар» бозорига яқинлигини айтадиган бўлсақ масала аянда оидинлашади. Шундай гавжум жой озода, тартибли бўлса, нур устига аъло нур. Аксинча бўлсаки дил ранжийди.

Тўғри, метро бекати ва унинг атрофи анча озода, саришта. Аммо метро бекатининг орқа томонидаги пиллапоядан кўтарилиб, чап томонга юрсангиз узун кетган ер ости йўлига дуч келасиз. Бу қоронғу йўл сизни шохқўчанинг нариги томони яъни «Отчопар» ва «Бешқайрағоч» йўналиши бўйлаб қатновчи 17-трамвай бекатига олиб чиқади. Агарда эсингизда бўлса ўтган йилнинг ноябрь ойлари бошларида худди шу жойнинг нариги томонидан ўтган бошқа бир ер ости йўлининг қаровсизлиги ҳақида танқидий қишқирган эдик. Ушунда мутаассадди ташкилотлардан мақоламизга ижобий жавоб ҳам олган эдик. Лекин афсуски, улар таъмирлаш ишларини олиб борганда бири-бирига ер ости йўлининг бу томонига ҳам назар ташлаб қўйишмабди.

Биз ҳикоя қилаётган ер ости йўлининг бугунги аҳоли эса ўта ачинарли. У бутунлай ташландиқ ҳолга келган десак ишонганимиз йўқ. Йўловчилар узун йўл бўйлаб кетган ахлатхоналардан ўзларини четлаб ўтишади. Йўллар ўнқир-чўнқир. Баъзи жойлар чўкиб кетган. Ўқтин-ўқтин ерга ётқизилган бетонлар-

га. Эрталаб чиқиб ҳовлимизни сугуриб-сидириб, менга чой ичириб кетади. Тушликда иссиқ овқат тайёрлаб беради. Кечкурун алламаҳалгача олдимида ўтиради.

Ён қўшни — жон кўшни деб бекор айтишмаганда. Шунақа меҳроқибатли қўшчилар билан ҳеч қачон хор-зор бўлмайсан. Гап гапга улашиб узоқ ўтириб қолдик. Ибохон пешма-пеш чойни янгилаб турди. Охирида оқсоқолимиз ҳаммамиз баҳоли кудрат ҳисса қўшган жамғармани стол устига қўйди.

— Кам бўлса ҳам кўп ўрнида кўрасиз, она. Кам-кўстингизга яратарсиз, — деди.

— Ҳимматларингиз учун раҳмат, — деди Хури хола пулни олмади. — Худода шукр, менинг муҳтожлик жойим йўқ. Озми, кўпми еб-ичиб турибман. Кам-кўстингизга қўшчилар ёрдамлашяпти. Бу пулни эса мендан кўра муҳтожларга берсангиз аянда савоб бўлади.

Қийин-қийовимизга қарамай, онахон пулни олмади. У ердан чиқиб кўп болали аёл Собирахонларниқига кирдик. Тўққиз болали эрсиз (Кудрат раҳматли ўтган йили автомобиль ҳалокати туфайли оламдан ўтган эди) аёл баҳоли кудрат бири кутиб олди. Мўъжазгина хонадаги дастурхонга чорлади. Бир пиёла чойдан сўнг унга жамғармани топширдик. Собирахон ҳам минг истиҳола билан уни олди. Узундан-узоқ раҳмат айтди.

Шу куни бир неча хонадонларни айланиб охири Исоқ отаниқига кирдик. Икки йилдан бери тўшакка михланиб қолган отахон биз қадрдонларни кўриб хурсанд бўлди. Ҳазил-хузул билан кўнгил ёздик.

Эртасига тонг саҳарлаб телефон жиринглаб қолди. Гўшакни кўтаришим билан оқсоқолнинг овози эшитилди.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН

ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

нинг кўчиб, синиб ётганига кўзингиз тушади. Бу кундузги аҳвол. Кечаси эса бу жойдан мутлақо юриб бўлмайди. Ер ости йўлининг хоҳлаган чеккасида қидириб чироқ тополмайсиз. Уша қурилиш даврида яхши ният билан ёритгичлар учун мўлжаллаб ўтказилган кабеллар тепангизда шундоқлигича осилиб ётибди. Шу сабабли йўловчилар ундан юришга ҳам кўрқишади. Чунки ахён-ахёнда билиб-билмай йўловчи ўтиб қолдиган узун йўлда яхши-ёмон юрмайди деб ким айта олади.

Уша куни биз ҳам шу ер ости йўлидан билмай юриб қолиб, кўчанинг нариги томонига зўр-базўр чиқиб олдик. Пиллапоядан эндигина тушаётган икки аёл бизни кўриб тезда орқага қайтишди. Бекатда уларни атайлаб сўхтади тортдик.

— Чиндан ҳам кўрқдик, — дейишди улар гапнинг ҳақиқига кўчиб. — Ахир инсон зоти кўзга ташланмайдиган узун йўлакдан юрак ютиб юриб ўтишинг ўзи бўладими?

Энди айтинг, не умидлар билан йўловчилар учун қулайлик яратиш мақсадида қанча маблағ сарфлаб бунёд этилган тайёр ер ости йўлининг шундай ҳолга келиб қолишига ким ҳам ачинмайди дейсиз.

УМР ЎЛЧОВЛИ

Маҳалламизда хар байрам, ҳайитлардан ташқари ойда бир марта табаррук кексалар, ёлғиз ва бева-бечоралар, етим-есирларни йўқлаб туришдек яхши одат бор. Бу гал ҳам ана шу анъанага содиқ қолиб, фаоллар тўпланишиб меҳрга ташна, муруватга зор оилаларни айландик.

— Сафаримизни дастлаб Хури холианиқидан бошласак, — деди оқсоқолимиз. — Онахон анчадан бери ётиб қолганлар. Ҳовли-жойлари ҳам бир ҳолатда бўлса керак.

Бу гап ҳаммамизга маъқул тушди. Холианиқига йўл олдик. Ҳовлига киришимиз билан биз кўтмаган ҳолатда дуч келдик. Ҳаммаёқ саранжом-сарилта, безатиглик дастурхон атрофида уч-тўрт нафар аёллар ўтиришибди. Улар ҳам биз сингари онахонни йўқлаб чиқилган экан. Бизни кўриб аёллар ўринларидан туришди. Салом-алиқ қилиб чиқиб кетишди.

Бошига оппоқ рўмон, эгнига янги оҳорли кўйлак кийган Хури опа ётган жойида аёллар билан хайрлашиб қаддини кўтарди. Бизнинг «Безовта бўлманг», дейишимизга қарамай, ён қўшниси Ибохон ёрдамда «Безовтаси бор эканми», дея орқасидаги ёстиққа суюяниб ўтирди. Ундан ҳол-аҳвол сўраган бўлдик.

— Мен яхшиман. Қўшниларимдан ўргилай. Хар куни чиқиб холимдан хабар олиб туришибди. Айниқса девор-дармиён Ибохондан миннатдорман. Худди онасига қарагандек қарайди мен-

— Зийрак бобо, Исоқ отамиз оламдан ўтиб қолдилар. Тушда дафн маросими.

Ё таваба, куни кеча биз билан ширин сўхбат қурган одам-а. Гўшакни қўлда тутганча узоқ жим қолдим. Кейин беихтиёр «Инсон умри шу қадар ўлчовли экан, ганимат кунларимизда бир-биримизга меҳр ва муруватимизни дариг тутмаслигимиз керак экан-да», деган сўзлар тилимдан ўчди.

САФАРДАН ЎКСИБ ҚАЙТДИК

Ўтган дам олиш куни беш-олти тенгқурлар тўпланишиб, Чимён сафарига отландик.

Нақадар гўзал, бағри кенг юртимиз бор. Унинг нафақат боғроғларигина, балки ясси тепаликлари, қир-адирлари, унга туташиб кетган адоқсиз тоғларининг ҳам таърифи-тавсифи йўқ. Оппоқ қор билан қопланган чўққиларга боқиб кўз қамашади. Машинамиз тобора юксаклик томон одимлайди. Ён-бағирлардаги ўт-ўланлар эса баҳор яқинлиги қолганидан дарак бериб турибди.

Тепаликлар оша-оша ниҳоят Чимёнга етиб келдик. Дам олиш куни бўлгани учунми одам гавжум. Ёшларнинг бақирик-чақириклари, қувноқ хандалар гўё оламини туттадиган. Юксак-юксаклардан пастга тушиб келаётган чангичиларнинг кети узилмайди. Сал пастроқда чана учин ишқибозлари. Хуллас ҳамма хоҳлаганича кўнгил ёзаяпти. Баъзи бировлар эса тушлик тайёрлаш билан машғул. Биз ҳам оппоқ қор билан қопланган сайхонликдан жой олдик. Ўзимиз билан олиб чиққан кўрпа-тўшакларни ёзиб ҳордик чикардик, тушлик қилдик.

Сўхбатимиз қизиқ кеч кириб қолганини ҳам сезмай қолибмиз. Бир вақт қарасак одамлар сийрак тортиб қолибди. Қайтиш учун кўзгалдик. Ўрнимиздан туриб атрофини кузатсак оппоқ қор усти худди яшин ургандек қорайиб қолибди. Ҳаммаёқда қроғз парчалари, консерва банкалари, елимли идишлар, папирос қолдиқлари, яна алланималар бетартиб сочилиб ётибди. Булар дам олишга келган ҳамюртларимиздан қолган «эсдаликлар» эди.

Бизнинг ҳайратлики тўрғанимизни кўрган шу ерлик фаррошлар ҳам шикоят қилиб қолишди.

—Хар сафар шу аҳвол. Баъзилар шундай гўзал манзара кўйида дам олишни ёқтиришадими-ю лекин уни тоза, покиза сақлашни унутушадими. Улардан кейин бу жойларни тартибга келтиргунча озмулча тер тўқмаймиз.

Биз ҳам бу ҳолатни кўриб афсусландик. Сафардан ўқсиб қайтдик. Шундай озода, батартиб, баҳаво жойни Оллоҳ бизга насиб этган экан, бу неъматнинг шукронасини қилиб, уни ораста сақлаш учун фидойилик қилиш ҳаммамизнинг бурчимиз эмасми, азизлар.

МЕГАПОЛИСДА ЭКОЛОГИЯ МУАММОЛАРИ

Мегаполисларга хос экологик муаммолар Узбекистон пойтахтида ҳам вазжуд. Уларнинг кўпчилиги атмосфера ҳавоси ва сув объектларининг ифлосланиши, чиқиндиларни тўплаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ. Уларни ҳал этиш республикамизда бошланган Экология ва саломатлик кунларининг Наврўзга бағишланган биринчи боғичи вазифалари қаторига киради.

«Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси шаҳар фаолларининг йиғилишида бу борадаги дастурлар ижросини жадаллаштириш ҳақида сўз юритилди.

Йиғилишни «Экосан» жамғармаси раиси Ю.Шодиметов бошқарди.

Кўрилаётган чораларга қарамай, Тошкент шаҳрида ифлосланиш кўрсаткичлари юқориликка эришди. 2003 йилда «Тошсисликмарказ» ОАЖ, «ТошИЭМ» АЖ, «Тошсисқувват» ишлаб чиқариш бирилшмаси, «Тошкент трактор заводи» ДАВ ва бошқа йирик корхоналар стациоанар манбалари чиқиндилари кўп бўлди. Бундан ташқари ҳар йили пойтахтда 700 минг тоннага яқин машиини чиқиндилар ҳосил бўлади. Шу муносабат билан ЕТББ кредити бўйича амалга оширилаётган «Шаҳар санитария тозалигини яхшилаш» лойиҳаси доирасида 56,3 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилиб, 385 та жиҳозланган ва 750 та жиҳозланмаган чиқиндиларни тўплаш ва саралаш майдончаси қурилди, 177 та янги техника сотиб олинди, қатор бошқа чоралар кўрилди. Бу вазиятни яхшилашга таъсир кўрсатди. Бироқ, санаот чиқиндилари муаммоси ҳали ҳам кескинлигича қолмоқда, уларни қайта ишлаш даражаси 13 фоизни ташкил этмоқда.

Ичимлик сувни йўқотиш билан боғлиқ масала ҳам жиддий саналади. Расман ҳисобланган йўқотишлар суткасига 200-220 куб метрни ташкил этади. Ичимлик сув техник мақсадларда нотўғри сарфланмоқда.

Йиғилишда таъкидландики, атроф-муҳит ифлосланиши ва табиий ресурсларга ҳужасизларча муносабатнинг олдини олиш йўллари билан бири табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий механизмлари янада кенгроқ жорий этилиши. Худудларни ободонлаштириш ва ўз вақтида тозалаш, табиий объектлар ифлосланишининг олдини олиш, экологик тафаккур ва санитария маданиятини тарбиялашга қаратилган маърифий тадбирларни амалга ошириш бўйича ишларни кучайтириш таклиф этилди.

Йиғилиш қатнашчилари Экология ва саломатлик кунларини ўтказиш доирасида пойтахтда барқарор атроф-муҳитни яратиш учун давлат, ноҳуқумат тузилмалари ва жамоатчилик саъй-ҳаракатларини бириктириш зарурлигини қайд этишди. Жумладан, ижтимоий-экологик вазиятга салбий таъсир кўрсатаётган корхоналар ва бошқа объектлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш таклиф этилди.

**А. ИВАНОВА,
ЎЗА муҳбири**

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТЧИ

23 — 29 февраль



Куй (21 март—20 апрель)—Ушбу ҳафтада ҳамкасбларингиз билан мурося қилишингизга тўри келади. Шанба куни сиз учун янги имкониятлар туғилади, яқшанба куни дўстларингизнинг маслаҳатига кулоқ тутмаганингиз маъқул, чунки бу сизга фойда келтирмайди.



Бузоқ (21 апрель—20 май)—Бу ҳафта бузоқлар учун мураккаброқ кечади. Катта синовдан ўтадилар. Жума куни узоқ муддат орқага суриб юрган ишларининг ечимини топишлари керак. Катта ваъда беришга шошилманг.



Эгизаклар (21 май—21 июнь)—Хамкасбларингиз хатти-ҳаракатлари иш режаларингизни қайтадан кўриб чиқишни тақозо этади. Молиявий аҳволингиз ишингизга ўз таъсирини кўрсатади. Мулоҳаза билан иш юритсангиз, ҳамма ишларингиз ўз жойига тушади.



Қисқичбақа (22 июнь—22 июль)— Ҳафтангиз хайрли ва кўнгилли бошланади. Эҳтиросларингиз жиддий фикр жамлашингизга халал бериши мумкин. Қадрдонларингиз ёрдами тўғрисида ишингизда янгича ўзгаришлар юз бериши эҳтимол.



Арслон (23 июль—23 август)—Ушбу ҳафта бошларида илмий ишларингиз бўйича баъзи муаммолар туғилади. Чоршанба куни эса яхши хабарлардан қувонасиз. Лекин баъзи миш-мишлар кайфиятингизни туширади.



Паризод (24 август—23 сентябрь)— Ҳафтани яхши кайфият, яхши ниятлар билан бошланг. Шанба куни узоқ қариндошларингиз билан дийдорлашасиз. Яқшанбада тоза ҳавода сайр қилиб, дам олганингиз маъқул.



Тарозу (24 сентябрь—23 октябрь)—Бу ҳафтада тадбиркорлик соҳасида ҳамкорларингиз билан муносабатларингизни яхшилашингиз керак. Қўзлаган мақсадингизга эришингиз бироз қийин кечади. Эҳтиросларга берилмасликка ҳаракат қилинг.



Чаён (24 октябрь—22 ноябрь)—Ушбу ҳафта келажакингиз ҳақида чуқур ўйлаб кўришингиз зарур. Айниқса яқинларингиз билан зиддиятларни бартараф қилишга ҳаракат қилинг. Яқшанбада соғлигингизга эътибор қаратиб, кўпроқ дам олинг.



Ўқотар (23 ноябрь—21 декабрь)—Сизнинг эҳтирослар ва ҳис-туйғуларга берилишингиз ишингизда ноҳушликни юзага келтиради. Бундай кўнгилхушликларга берилмай, жиддий иш юритсангиз, ўз обрў-эътиборингизни тиклашингиз мумкин.



Тоғ эчкиси (21 декабрь—20 январь)—Ушбу ҳафтада ўз ишингизда касбий маҳоратингизни синаш фурсати келди. Иродали ва мулоим бўлишга ҳаракат қилинг. Чоршанба куни дўстларингиз янги чўққиларни эгаллашингизда ёрдам беришадди.



Ковга (21 январь—19 февраль)—Душанба куни молиявий танглик барча ўйлаган режаларингизни ўзгартириб юборади. Бир вақтингиз ўзда бир қанча муаммоларни ҳал қилишингиз лозим бўлади. Фақат лоқайд бўлмагн ва дангасаликдан қочинг.



Балиқ (20 февраль—20 март)—Мажбуриятларингиз ишингиздаги юксалишларингиз учун тўғанок бўлиши мумкин. Шунинг учун оила аъзоларингиз маслаҳати ва кўмагига таянинг. Сешанба куни майда гап-сўзларга парво қилмаганингиз маъқул. Ишингизга жиддий ёндошинг.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЁЪЛОНЛАР

«2004 йилда Тошкент шаҳри, Самарқанд вилояти ва Фарғона водийсида жойлашган уй-жой мулкдорлари ширкатларининг энг яхши иш тажрибаси» танловида қатнашиш учун

ТАКЛИФНОМА

Урбан институти (Тошкент) АҚШ гишли ҳужжатларни 2004 йил 2 апрель кунидан кеч қолмасдан топширишлари лозим.

Халқаро Тараққиёт Агентлигининг (USAID) «Марказий Осиёда маҳаллий бошқарувни ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳрида, Самарқанд вилоятида ҳамда Фарғона водийсининг вилоятларида жойлашган уй-жой мулкдорларининг энг яхши иш тажрибаси танловини эълон қилади.

Танлов комиссияси танлов ҳужжатларини 2004 йил 5 майгача кўриб чиқади ва ғолибларни 2004 йил 15 майда эълон қилади.

Танлов якунлари оммавий ахборот воситаларида ёритилиб, ғолибларга Қўшимча маълумот ва танлов ҳужжатларини олиш учун Урбан институтига Гавҳар Алиевага, қуйидаги манзилгоҳларда олиш мумкин:

Танлов Низомга мувофиқ ўтказиланди. Ушбу Низом нусхасини қуйидаги манзилгоҳларда олиш мумкин:

Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирилшмаси Тошкент ш. Халқлар Дўстлиги кўч. 1а-уй (2-қават); телефон: (8-3712) 45-06-37; С.А.Соловейга мурожаат қилинг.

Танловнинг барча қатнашчилари те-

Танлов якунлари оммавий ахборот воситаларида ёритилиб, ғолибларга Қўшимча маълумот ва танлов ҳужжатларини олиш учун Урбан институтига Гавҳар Алиевага, қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинг:

700015, Тошкент ш., Афросиёб шоҳкўчаси, 12, блок 5, офис 3/1. тел. (8-371)-1527677; 152-76-78; 152-77-02. Факс (8-371)-1527677/ 78, E-mail: GAlieva@ui.uz.

«Сувчи» («Водник») даҳасида жойлашган 6 хонали янги уй сотилади. Телефон: 195-01-43

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институти ректорати, жамоат ташкилотлари ва биринчи жамоат соғлиқни сақлаш ва менежмент кафедрасининг ходимлари кафедра ассистенти М.Ж.Маҳсумовга отаси **Жаҳонгир МАҲСУМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан муҳрумнинг оила аъзолари ва яқинларига қўқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт коллежида 2004 йилнинг 25 февраль, 25 март ва 21 апрель кунлари «Очиқ эшиклар куни» бўлиб ўтади. Тел.: 77-85-94

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

газеталари тахририяти реклама агентларини ишга қабул қилади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

«02»: ХОДИСАЛАР

Маълумки, кингир йўллар билан топилган даромад унинг соҳибига ҳеч қачон барака олиб келмайди. Аксинча, кўпчилик олдда юзининг шувут бўлгани қолади, холос.

● Собир Рахимов тумани, Зиёмов кўчасида жойлашган Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида ўғирлик содир этган Қодир ва Одил исмли икки оғайни эса ушбу ҳақиқатнинг мағзини чақмаган кўринишдади. Аниқланишича, Наманган вилоятининг Ҳайи туманида яшовчи бу йигитлар ярим тунда пансионатнинг ошхонасига кириб, умумий нархи 268.030 сўми ташкил этувчи гўшт, сариёғ ва шакар маҳсулотларини ўмарига бел боғлашган. Аммо ўлжаларни йўловчи машиналардан бирига ортиб кетаётган олғирлар ушбу ҳудудда хизматларини ўтаётган ички ишлар ходимлари томонидан ушландилар. Ҳозирда айбдорлар устидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

● Яккасарой туманидаги Бобур кўчасида жойлашган «Бобур» номидаги маданият ва истироҳат боғи пойтахтликлар ва шаҳримиз меҳмонларининг хордиқ чиқаришлари учун намунали хизмат қиладиган сўлим гўшалардан бири ҳисобланади. Бу ердаги чарогон чироқлар нурларининг чор атрафга янада ўзгача тус бераётганлиги киши дилини яйратади. Аммо Зарқайнар кўчасида яшовчи, бирон жойда ишламайдиган Х.Расул, Ж.Шоший кўчасида яшовчи Т.Шухрат ва Тарихчилар кўчасида истиқомат қилувчи А.Равшан исмли шахслар ушбу ёритиш ускуналарини ўмарини дилларига тугдилар. Кечаси истироҳат боғида пайдо бўлган учқовлон чаққонлик ва эҳтиёткорлик билан тароват сочиб турган чироқларни «ғумдон» қўлдилар. Мазкур ўғирлик жинояти тўғрисида туман ИИБ навбатчилик қисмига хабар берилган, тезкор-тергов гуруҳи ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида ўғирлар аниқланди, ушландилар. Ҳозирда ашёвий далилларни ўз қўллари билан олиб келиб топширган ушбу йигитлар қўзларини ердан узолмай ўтиришибди.

● Баъзида ички ишлар идораларига фуқаролардан айрим зўравон шахсларнинг қилган ҳаммалари тубайли маънавий ва моддий зарар кўрганликлари тўғрисида шикоят аризалари тушиб туради. Юнусобод тумани, 13-мавзе, 21-уйда истиқомат қилувчи нафақахўр Н.Гарнусова ҳам ўзига нисбатан шундай босқинчилик жинояти содир этилганлиги ҳақида хабар қилди. Маълум бўлишича, шу туманнинг 19-мавзесида яшовчи, ҳеч қаерда ишламайдиган Г.Виталий ва унинг шериги, 18-мавзеда яшовчи А.Радионлар унинг уйига бостириб киришиб, пичоқ билан кўрқитиб, ёғоч билан уриб тан жароҳати етказиб, хонадондан 150 минг сўмлик ҳар хил уй-рўзгор буюмлари ҳамда «Киргизия» кир ювиш машинасини тортиб олиб қочиб кетишган. Аммо милиция ходимларининг кўрган чора-тадбирлари натижасида босқинчилар қўлга олинди.

Самариддин ХАЛИЛОВ, Тошкент шаҳар ИИББ Матбуот маркази инспектори.


Спорт

ХАЙРИЯ МАРАФОНИ МУСОБАҚАЛАРИ БОШЛАНДИ

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Боулинг федерацияси, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси, «Камолот» ЁИҲи Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳамда «Меҳржон» васийлик кенгашлари ташаббуси билан Меҳр ва мурувват йилига бағишлаб шахримиздаги барча меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасида спортнинг боулинг тури бўйича «Ўзбоулинг» клубида марафон мусобақаларига старт берилди.

Болалар спортини ривожлантиришга эътибор, ўсмир ёшлари-мизнинг спорт билан доимо ҳамқадам бўлишларини кўзлаб ўтказилаётган хайрия марафониде шахримиздаги барча меҳрибонлик уйлари-дан 500 дан ортиқ болалар иштирок этишади. 17 февралдан то 6 декабргача давом этадиган мусобақанинг қўшма режасига кўра меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг «Боулинг» клубига боришларини ташкил этиш, йўл ҳаракати хавфсизлигининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги назорати бошқармаси ходимларини бириктириш, мусобақалар якунида дастурхон ташкил этиш ҳамда иштирокчиларга концерт дастурларини

тайёрлашга бириктирилган хомий ташкилотларнинг ишлари алоҳида кўрсатиб ўтилган.



— Хайрия марафонининг дастлабки ўйинларини 22-меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари бош-

лаб беришди, — дейди Тошкент «Боулинг» федерацияси президенти Аъзам Турсунов. — Келгусида бу мусобақаларда шахримиздаги 10 та меҳрибонлик уйлари болалари қатнашиб, 6 декабрда голиб жамоалар ўртасида финал мусобақалари бўлиб ўтади. Мусобақаларнинг якуни босқинчида голиблар қимматбаҳо совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланадилар. Уйлаймизки, бу каби амалий ишларимиз келгусида яхши самара бериши тайин.

Орзугул РУСТАМОВА СУРАТЛАРДА: хайрия марафони спорт мусобақаларидан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Бди вақтингизда

БОШҚОТИРМА

Белгиланган хонадан соат мили йўналиши-да рақам атрофига: 3. Профессional боксда қирол номини олган ватандошимиз 6. Заминнинг ҳаёт мавжуд бўлган ҳудуди. 15. Тошкентдан оқиб ўтувчи канал. 24. Сиртнинг тўғрилигини аниқлаш асбоби. 27. «Декамерон» асари муаллифи.

Энига: 4. Қимматбаҳо рангли металл. 5. Бухоро шаҳрини таърифлаб берилган ном. 10. Вазн ўлчови бирлиги. 12. Хавонинг ўзгаришидан ҳосил бўладиган мусаффо томчи. 13. Олма нави. 14. Халқ оғзаки ижоди тури. 16. Айлана нуқталарини бирлаштирувчи чизиқ. 20. Қорақалпоғистондаги шаҳар. 22. Атоқли ўзбек шоири. 23. Мирзо Улугбек бунёд эттирган коинотни ўрганиш иншооти. 25. Дурадгорлик асбоби. 26. Девор тури.

Бўйига: 1. Маълумот даражасини асословчи ҳужжат. 2. Осиёнинг фарби-жанубидаги давлат пойтахти. 7. Фарғона водийсидаги туман. 8. Ҳисоб илмида қўлланиладиган лотин ҳарфи. 9. Кулранг металл. 10. Транспортда юкни ташиш воситаси. 11. Асар ҳақидаги рўйхат. 17. Майса, экин. 18. Техниканинг турли соҳаларида ишлатиладиган қатламларга ажралувчи қаттиқ материал. 19. Таъми нордон тоғ ўсимлиги. 21. Шарқ назмига хос мадҳия мазмунидаги асар. 22. Сақлаб бериш учун олинган нарса.

МУАММОНОМА

Очқич сўзлар: 1. Ютуқ эгаси, музаффар -15, 6, 7, 2, 11.

2. Оғир атлетика анжومي — 17, 14, 1, 4, 8, 1.
3. Инсоний фазилат, оқибат — 3, 5, 9, 10.
4. Спорт ўйинида ютуқ ҳисоби — 6, 16, 18, 6.
6. Қадимий мусиқа асбоби — 12, 13.

Энди очқич жавоблари асосида шакл атрофидаги рақамларда яширинган муаммонгани ҳал этинг. Бунда улардан икки мисра ҳикматли сўз ва унинг муаллифи бўлган шарқнинг мутафаккир шоири номини билиб оласиз.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

→	9	2	3	3	1	14	18	1	3	1	10	2	4	2	11	6
																15
							1			2						7
7			3	4					5					6		1
2			7					8						9		8
13						10						11				1
5																4
11		12									13					
																9
								15	16							1
			17					18								3
		20					21				22					6
4																4
6							23									
3																
12																
8							24	25								27
5																16
11		2	4	10	5	17		2	13	1	8	4	5		2	7
																6
																3

Газетанинг шу йил 15 февраль сониде берилган «Ш» ҳарfli бошқотирманинг жавоблари:

- Эйлар бўйича: 1. Шаҳодат. 2. Шамот. 3. Шомил. 4. Шолохов. 5. Шоколад. 6. Шоший. 7. Шувоқ. 8. Шумахер. 9. Шукуров. 10. Шамол. 11. Шотут. 12. Шимоллий. 13. Шифонер. 14. Шоқул. 15. Шумер. 16. Шифокор. 17. Шипулин. 18. Шопен. 19. Шайин. 20. Шарофат. 21. Шакароб. 22. Шоший. 23. Шовот. 24. Шапарак.

Муаммонома
Очқич сўзлар: 1. Ҳуқуқ. 2. Чарх. 3. Полиз. 4. Бўр. 5. Шер.
Ҳикмат: Хулқи хушни пеш қил, халқ ичра беозор бўл.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилмиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар
133-28-95, 132-11-39,
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқ офсет
усулида босилади.
5576 нускада босилади. Қогоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 1-рақам
билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамаъна» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.